

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

Ж. ТУЛЕНОВ

**МАЪНАВИЯТ  
ВА ИЖТИМОЙ  
ТАРАҚҚИЁТ**

ТОШКЕНТ — «МЕХНАТ» — 2000

Туленов Ж.

Т. 80. Маънавият ва ижтимоий тараққиёт. — Т., «Меҳнат», 2000 — 38 б.

Рисолада маънавий борлиқ, маънавият тушунчаларининг мазмун ва моҳияти, уларнинг намоён бўлиши шакллари, жамият тараққиётидаги ўрни, шунингдек, баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида баён қилинади.

Рисола олий ва ўрта махсус таълим ўқитувчи-профессорлари, аспирантлар, талабалар, шунингдек, кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Тақризчи: Фалсафа фанлари доктори,  
профессор Э. Хошимова.

Муҳаррир: М. Миркомиллов.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИГА  
БИНОАН НАШРГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН

Ю 25965  
093

1МУЗ  
НТ 83

0801000000 — 10  
Т \_\_\_\_\_ эълонсиз 2000  
М 359(04) — 2000

ISBN 5—8244—1399—1

© «МЕХНАТ» нашриёти, 2000

ПОДР.

460  
109 O'zb. Res. DK  
1086.

## МУҚАДДИМА

Президент Ислом Абдуғаниевич Қаримов таъкидлаганидек, жамият маънавиятини янада юксалтириш — ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлигини, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожин билан бевосита боғлиқдир.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинаккам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

Мустақиллик Ўзбекистон халқларининг бой маданияти, бебаҳо илмий, фалсафий ва маънавий мероси, ноёб тарихимизнинг тикланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ўзиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга имконият яратиб бермоқда.

Лекин бундан маънавият соҳасида ҳеч қандай муаммо йўқ, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Бугунги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакиллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Маънавият соҳасидаги «ишларимизнинг пировард мақсади — иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакиллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат»<sup>1</sup>.

Мазкур рисолада маънавий борлиқ, маънавий ҳаёт, маънавият тушунчаларининг мазмун-моҳияти, уларнинг маънавий етук, баркамол ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида баён қилинади.

---

<sup>1</sup> И. А. Қаримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000, 25-бет.

## МАЪНАВИЙ БОРЛИҚ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ МУҲИМ ЖАБҲАСИ

Маънавий олам, маънавий борлиқ жамият ва инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бўлиб ҳисобланади. У жамият тараққиётининг барча жабҳаларида содир бўлаётган жараёнлар билан узвий алоқадорликдадир. Жамият ҳаётининг ундан ҳоли бўлган биронбир соҳаси йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти қамрови ниҳоятда кенг, мазмунан чуқур, шаклан хилма-хилдир. Маънавий ҳаёт инсон ақл-идроки ва тафаккурининг барча маҳсулларини жамият томонидан тўпланган маданий бойликларидан ифодаланган ютуқларини, ижтимоий онг шакллари, кишиларнинг ғояларини, қарашлари, тасаввурлари, дунёқараши, одоб-ахлоқи, бутун маънавий оламни қамраб олади.

Инсонлар томонидан узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яратилган ва ривожлантирилган маънавий бойликлар, ижтимоий онгнинг илмий, бадий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шакллари, дунёқарашнинг бутун соҳасини ҳам, бадий асарлар, эстетик қарашларни ҳам жамият маънавий ҳаётига кириштиш мумкин.

Жамият маънавий ҳаёти, бошқача айтганда, умуман маънавий ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида инсон тафаккури мевалари — ғоялар, қарашлар, назариялар, таълимотлар, концепциялар, таълим-тарбия тизимлари, диний ва бадий образлар, ижтимоий меъёр ва қонун-қоидалар, ясоқ ва тузуклар, панду насихатлар, йўл-йўриқлар, режалар, дастурлар яратилади. Маънавий ишлаб чиқариш маҳсуллари, қўлёзмалар, китоблар, тошлардаги битиклар, ёзувлар, расмлар, чизмалар сингари ва бошқа шаклларда ҳам намоён бўлади.

Маориф, илм-фан, адабиёт, санъат, кино ва театр томошалари, тасвирий санъат асарлари, мақоллар, масаллар, ривоятлар, эртақлар, дostonлар, қўшиқ, му-

сиқа, аруз ва байтлар, халқ ижодиётининг жамики дурдоналари инсон маънавий фаолиятининг муҳим элементлари, кўринишлари, таркибий қисмларидир. Кутубхона ва музейлар, радио ва телевидение, матбуот, умуман оммавий ахборот воситалари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Жамият тараққиёти иқтисодиёт билан маънавиятнинг бири-бири билан боғланган, бири иккинчисиз воқе бўлмайдиган мураккаб жараёндр.

Иқтисодиёт ва маънавият ҳар қандай жамият ҳаёти ва тараққиётининг ўзаро ажралмас икки соҳаси, муҳим томонларидир. Улар бири-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб ва такомиллашиб боради. «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли жонидир»<sup>1</sup>.

Иқтисодиёт билан маънавий ҳаётининг узвий бирлиги, бири иккинчисиз мавжуд эмаслиги, уларнинг жамият тараққиётидаги бир-бирдан кам бўлмаган аҳамияти мустақил Ўзбекистон Республикаси учун бевосита тааллуқлидир.

Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига иқтисодиёт билан маънавиятнинг узвий бирлиги асосида босқичма-босқич ўтаётганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Бозор муносабатларига ўтиш жамият маънавий ҳаёти юксак даражада бўлишини, инсоннинг ғоявий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий, маърифий етуклигини тақозо этадиган тарихий заруриятдир. Халқнинг маънавий-руҳий етуклиги бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Юртбошимиз, баъзан бировларнинг ҳадик олиб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг, жамият маънавий асосларининг қиммати тушиб кетади, маданият, маънавият иккинчи даражали нарсага айланади, деган фикрлари тамомила ўринсиз экаплигини таъкидлаб шундай дейди: «Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни қарама-қарши қўйишдан тўғриси айтсак, ўз умрини тугатган эски мафқурани ҳиди келади.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 261-бет.

Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий пок-ланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамо-мила уйғун бўлишни истаймиз. Сиёсатмизни шундай кўрамиз ва уни тўла татбиқ, этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадиган бўлсинлар»<sup>1</sup>.

Жамият моддий ҳаётининг унинг маънавий ҳаётига кўрсатадиган таъсири, албатта катта. Ана шундай фалсафий қондага асосланиб жамият маънавий ҳаётининг иқтисодиётга, сиёсатга, ижтимоий муносабатларга, умуман айтганда, жамият тараққиётига бўлган кучли таъсирини асло инкор этиб бўлмайди.

Жамият ҳаётининг маънавий асосларига, маънавий бойликларига асосланмасдан ва тўғри ёндашмасдан туриб иқтисодий муаммоларни ҳал этиш амри маҳолдир. Қачонки маънавий бойликлардан жамият иқтисодий ривожлантиришининг объектив қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилса, шундагина иқтисодиётда самарали натижаларга эришишни таъминлаш мумкин.

Жаҳон тарихий тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тараққиётнинг танҳо бир ўзигагина асосланган жамият ва давлатнинг тағ замини мўрт бўлади. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт маданий-маънавий, руҳий, маърифий камолот, ўсиш-ўзгариш ва ривожланиш билан чамбарчас боғлангандагина жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти беҳад тезлашади ва юксак самаралар беради. Ижтимоий ҳаётда туб тарихий ўзгаришлар ана шундай шароитларда содир бўлади. Жаҳондаги барча илғор мамлакатлар шу боисдан ҳам тарихий тараққиётнинг бурилиш даврларида жамият маънавий ҳаёти ривожланиши масалаларига катта эътибор берганлар, маданий савияси даражасини, маънавияти ва маданиятини кўтариш зарур деб ҳисоблаганлар.

Юксак даражада ривожланган маънавий ҳаёт иқтисодий-сиёсий муаммоларни ҳал этишнинг, меҳнат унумдорлигига эришишнинг муҳим омилдир. Маънавий камолот халқ, миллат ва шахнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, моддий бойликлар мўл-кўллигига, фаровон

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 35-бет.

ҳаётга, жамиятнинг иқтисодий тикланиши ва ўнгланишига туртки бўлади.

И. Қаримов жамият ҳаётининг барча жабҳалари, биринчи галда иқтисодиёт маънавият ва маърифат билан узвий алоқадорлигини таъкидлаб шундай дейди: «Бугун биз ўтказаятган ислоҳотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб келмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодиётини кўриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромадлари яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир бор такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади»<sup>1</sup>.

Жамият маънавий ҳаётининг ижтимоий тараққиёт учун аҳамияти шунчалик каттаки, уни ҳеч қачон иккинчи ўринга суриб қўйиб бўлмайди. Иқтисодий муаммолар ҳал қилиниб бўлингандан кейин маънавият масаласига ўтилади, деб ўйлаш тамомила хатодир.

Иқтисодий ва сиёсий омиллар сингари маънавият ва маърифат ҳам жамият тараққиётини тезлаштириш ва жадаллаштиришнинг энг муҳим шароитларидан бири бўлиб ҳисобланади. Дунёдаги ҳар бир миллат ва халқнинг катта-кичиклигидан қатъи назар маънавий бойликларга эҳтиёж сезган ва сезаятганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Маънавий ҳаёт юксак бўлмаган жойда моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти юқори даражада бўлмайди. Дунёга келиш ва яшашдан мақсад қорин тўйдириб бойлик ортириш, деб ҳисоблаган одам тўқ, фаровон, маданий турмуш кечириш меъёрларини ҳам билмайди. Маънавияти етук инсонлар келажакни олдиндан кўришга, қийинчиликларни енгишга, оғир шароитда ҳам юксак мақсадларни олдига қўйиб, уларга ишонч-ихлос, иймон-эътиқод билан интилишга қодир бўлади.

Маданият, маънавият, маърифат одамларни жамият талаблари, қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ меъёрлари асосида яшаш ва фаолият кўрсатишга, инсонпарварлик,

<sup>1</sup> И. А. Қаримов. Бунёдкорлик йўлидан, 4-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 121-бет.

ҳалоллик, ижтимоий адолатлилик, умуминсонийлик ғоялари ва тамойилларига астойдил содиқ бўлишга йўналтиради.

Одамларнинг маданий-маънавий савияси башарти паст бўлса, унинг салбий оқибатлари иқтисодиётда ҳам, ижтимоий соҳаларда ҳам, оилада ҳам, жамоатда ҳам кишиларнинг ўзаро муносабатлари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзлари ва юриш-туришларида ҳам, албатта сезилади. Иймон-этиқод сустлашган, маънавий омиллар заифлаша бошлаган жойда одамлардан меҳр-оқибат кўтарила бошлайди, ҳақиқий инсоний муносабатларга путур етади.

Маънавий бойликлардан оқилона, ҳар томонлама фойдаланишнинг аҳамияти ва бебаҳолиги унинг турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош, ҳамкор-ҳамжиҳат қилишда, уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосини яқинлаштиришда ҳам яққол кўринади. У инсон ҳаётини гўзаллаштиради, турмушига мазмун ва моҳиятини бағишлайди. Маънавий ҳаётда бой бўлган инсоннинг қалби пок ва беғубор бўлади.

Жаҳон фалсафасининг таркибий қисми бўлган Шарқ фалсафасида инсонда икки қарама-қарши асос, модда (жисм) ва руҳ мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Ана шу икки асос инсон вужудида мутаносиб бўлиши, бири устиворлик қилиб, бошқаси орқасида кетмаслиги керак. Агар шу тартиб бузилиб моддийлик руҳдан устун келиб, руҳ жисм қулига айланиб, унга хизмат қилгудек бўлса, унда инсон амалий фаолиятида салбий ҳолатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейинга сурилиб ташланади. Аксинча руҳий-маънавий томонлари тараққий этган инсонларда ақлу-заковат, инсофу-диёнат, одобу ахлоқ, илму маърифат устун бўлиб, мол-дунёга берилиш нуқсонларидан ҳоли бўлади. Руҳий, маънавий жиҳат инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётини гўзаллаштирадиган фазилатлардандир.

Маънан, руҳан, ахлоқан камол топган инсон нафсининг қулига айланиб қолмайди, таъмагарлик қилмайди, еб-ичишни, бойлик тўплашни, ҳаётининг мазмунини, яшашдан мақсад деб тушунмайди. Бундай инсон олам сир-асрорларидан хабардор бўлади, ўзи ва ўзгаларни ҳурмат қилади, қадрлайди, ўзлигини англаб етади, миллий тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадрiyтларини юксак даражада эъзозлайди; улар билан фахрланади. Руҳий-маънавий бойлик беҳад гўзаллаш-

тиради ва айни пайтда уни ёмон ҳислатлардан қутқаради, нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошлайди, адолат учун курашиш йўлида камарбаста бўлишга даъват этади.

Инсон вужуди, амалий фаолиятида руҳий, маънавий томонлар кейинга суриб ташланиб, бемаъни ҳислар ва нафсга берилиш ғолиблик қилса ундай инсон нафс тузогига илинади. Маънавий фазилатлардан бири — ҳалол, покиза яшаш, бировларнинг ҳақиға заррача бўлсада хиёнат қилмасликдир. «Туркистон мулкининг шайхул машойихи» Хожа Аҳмад Яссавий эътиқодича, «ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасдан», ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, фақат ўз меҳнати эвазига тирикчилик қилиш, ҳаром-ҳаришдан жирканиш, ҳаром-хўрликни энг катта гуноҳи азим ва ахлоқсизлик, деб ҳисоблаш яссавийликнинг муҳим ғояларидан бўлиб ҳисобланади. Хожа Аҳмад Яссавий таъбирича, «нафс йўлига кирган киши расво бўлур, йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур, ётса, турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур...».

Нафсга эрк берган киши, Шарқ мусулмон фалсафасида қайд этилишича, беҳисоб азоб-уқубат, кулфатларга гирифтор бўлади. Нафсга эрк бериб, мол-дунё тўплашга берилиб кетган, ўзгаларни ўйламайдиган, бошқалар ташвиши билан куйиб-ёнмайдиган одам одамийликдан чиқади, эл-юрт эътиборидан четда қолади. Нафс ҳоким бўлган кўнгиллардан руҳ, маънавият чекинади. Кўнгил бутунлай нафс ихтиёрига айланади. Бу кўнгил ҳеч кимга яхшилик келтирмайди. Барча разилликлар, зўровонликлар, барча инсофсизликлару макрухийлалар ва оқибатсизликлар нафс туфайлидир, нафс бандаси бўлиб қолишнинг оқибатидир. Нафс — хийлакорликнинг, қувликнинг, шайтонликнинг, учига чиққан маккорликнинг асосидир.

Одамнинг қорини озиқ-овқат билан, уст-бошини, кийиладиган кейим-кечак ва пойафзал билан таъминлаш мумкину, аммо нафсга эрк берган очофат кишининг кўзини мол-дунёга ҳеч ҳам тўйдириб бўлмайди. Ҳадисда айтилишича, «Инсонга бир водий тўла молу-дунё берилса, у иккинчи водийнинг ҳам берилишини хоҳлайди. Иккинчисидан кейин учинчисини ва ҳоказо, унинг нафси тўймайди. Инсоннинг кўзини фақат тупроқ (қабр тупроғи) тўйдиради... Банданинг молу-дунёга қўйган хирси икки оч бўрининг қўй подасига қилган тажовузи-

дан кўра зарарлироқдир. Зеро, бу билан ўз диний иймониغا путур етказди».

Инсоннинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан безайдиган ажойиб халқимиз маънавияти, маънавий ҳаёти шаклланиши ва ривожланиши тарихига назар солсак, унинг заминлари ниҳоятда мустаҳкам эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. У ўзининг чуқур илдизига эга. Унинг илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади. Дунёдаги қадимий цивилизациялардан бири бизнинг минтақамизда, Турони заминда пайдо бўлган.

«Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз, — дейди И. А. Каримов, — нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизациясидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олим уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзни, маҳобатни йўқотмаган асори-антиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош-ёзувлар, битиклардан тортиб бугун кутубхоналаримиз жавонида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда илм-фан, маданият ва маънавиятга, инсон ақл-заковатининг ноёб ва гўзал бойликларига бундан бир неча асрлар илгари асос солинган. Мамлакатимиз фани, санъати, маданияти жуда қадим замонлардан юксала бошланганини, унинг илдизлари, заминлари чуқур, қудратли ва қадимийлигини яхши биламиз.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998, 3-4-бетлар.

Маънавий бойликлар, илм-фан, ақл-заковат асрлар да-  
вомида ўзбек миллатига, бутун инсониятга табиат  
сир-асрорларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқ-  
шунослик, илоҳиёт, адабиётшуносликда хизмат қилиб  
келмоқда. Илмлар хазинасини очган буюк аждодларни-  
мизнинг номларини бутун дунё билади. Бу бизлар учун  
чексиз фахр-ифтихордир. «Токи бизнинг қонимизда,  
бизнинг суягимизда, бизнинг наслимизда қандай улўф  
маданият бўлганини, биз нечоғлик буюк маданият во-  
рислари эканимизни дўстларимиз ҳам билишсин. Бу  
мақсадни амалга оширишни шахсан ўзим ҳам қарз,  
ҳам фарз деб ҳисоблайман»<sup>1</sup>, — дейди Президент.

Ўзбекистон халқи ўзининг пешона тери, тафаккур  
қуввати, қобилият ва истеъдоди билан ўзига хос фан  
ва маданиятни, аҳлоқ ва фалсафани яратди, тарих  
ижодкори сифатида ижтимоий-иқтисодий, маданий-  
маънавий тараққиётга кенг йўл очди. Унинг бадий  
адабиёт, халқ оғзаки ва ёзма ижодиёти соҳасидаги хиз-  
матлари ҳам буюк.

Энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилнинг ҳам асос-  
чиси халқдир. Тилсиз на жамият, на илм-фан, на ма-  
даният ва маънавият, на тараққиёт бўлади. Тил ихти-  
ро қилинмайди. Уни халқ узоқ тарихий тараққиёт жа-  
раёнида яратади ва ривожлантиради. Тил халқ билан,  
халқ эса тил билан тирик.

Халқ нима учун маданий-маънавий бойликларнинг  
асосчиси, деган савол туғилиши табиий бир ҳолдир. Бу  
саволга жавоб бериб шуни айтиш керакки, ҳар қандай  
маънавий-маданий бойликнинг, эртак ва афсонанинг  
асосида, замирида халининг муайян мақсад ва эҳтиёж-  
лари, жисмоний меҳнатни енгиллаштириш ва турмуш  
шароитларини яхшилашга бўлган хоҳиш-интилиш ва  
талаблар яшириниб ётган бўлади. Жамиятнинг илм-  
фани, маданияти, маънавияти, маърифати, умуман айт-  
ганда, маънавий ҳаёт ижтимоий-сиёсий, моддий ҳаёти  
тараққиётга ҳамиша ва ҳар доим энг кучли таъсир  
этувчидир.

Шунинг учун ҳам аждодларимиз томонидан кўп  
асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо  
маънавий ва маданий меросни тиклаш, халқнинг маъ-  
навий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбе-

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4 том. Т., «Ўзбе-  
кистон», 1996, 21-бет.

кистон давлат мустақиллигини барқарорлаштириш учун энг муҳим вазифадир.

Ўзбекистоннинг келажакда ривожланган буюк давлатга айланиши, Ислон Қаримов айтганларидек, тўртта маънавий негизга асосланади. Бу негизлар умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши ҳамда ватанпарварликдан иборат.

Мамлакатимизнинг мустақиллик бошлаб берган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёти йўлидан буюк келажак сари тезкорлик билан илгарилаб бориши учун халқ маданияти, маънавияти, маърифатини доимий равишда юксалтириб бормоқ, маънавий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқ мақсадга мувофиқдир, чунки тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади.

Маънавият инсоннинг ҳаёт тажрибаси, меҳнати, билими, ахлоқ ва одоби, авлодлар тажрибаси асосида шаклланиб боради. Маънавият инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналиш беради. Маънавият инсоннинг ўз халқи тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқурроқ билиш ва тушуниб етишига ёрдамлашади. Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, жамики одамлар учун ҳам, халқ, элат ва миллат учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам ўта зарур ва муҳимдир. Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий етук, ахлоқан пок ва мукамал инсонларсиз жамият ва миллат ҳам бўлмайди.

Маънавият инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат тараққиётининг ҳам асосий омилларидан биридир. «Маънавият, — дейди И. А. Қаримов, — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди»<sup>1</sup>.

Инсон маънавияти жамият, давлат ва миллат маънавияти билан узвий алоқадордир. Инсон ва жамият маънавияти моҳият жиҳатидан яқин бўлиб, бир-бирини ўзаро бойитса ва тўлдирса-да, лекин улар айнан тенг эмас. Инсон маънавияти миллат, давлат ва жамият маънавиятининг таркибий қисмидир, холос. Инсоннинг

<sup>1</sup> И. А. Қаримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994, 9-бет.

маънавияти, шахснинг маънавий камолоти жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий имконият ва шарт-шароитлар асосида шаклланади ва амалга ошади. Миллат ва мамлакатнинг маданий-маънавий тараққиёти инсон маънавий камолотига асос бўлади.

Маънавият инсонга сув ва ҳаводек зарур. Маънавиятнинг бу жиҳатлари И. А. Қаримовнинг қуйидаги сўзларида ўзининг яққол ифодасини топган: «Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг»<sup>1</sup>.

Маънавият инсонга муайян мақсад, келажакка ишонч билан бориш учун катта умид, куч ва қудрат бахш этади.

Маънавият инсоннинг ўзлигини англаб олишида унга ёрдам беради. Ўзлигини англаган инсонгина, ўзлигини англаган миллатгина кучли давлат, адолатли жамият барпо эта олади.

Миллий жиҳатдан ўзлигини таниган инсон миллатини, Ватанини, унинг ўтмиш тарихини, адабиёти, санъати ва маданиятини билиб олади. Ўзлигини англаган инсон, ўзлигини англаган миллат улуғ аждодларининг ақлу заковати ва уларнинг ҳаётбахш меросларига муносиб бўлишга ҳаракат қилади. Ватанини ўзгача меҳр билан севади, у билан чексиз фахрланади, юртим деб, элим деб яшайди.

Маънавият инсон ҳаётини гўзаллаштиради, турмушга мазмун ва моҳият бағишлайди. Юксак маънавият ва маданият соҳиби бўлган инсоннинг қалби пок, сўзи билан иши бир бўлади.

Инсон онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқараши шаклланиши, талаб-эҳтиёжларининг қондирилиши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва характерига бевосита боғлиқ. Жамият қандай бўлса, ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон ҳам унга мос бўлади. Демак, инсоннинг инсон сифатида шаклланиши, ўзини намоён қилиши,

<sup>1</sup> И. А. Қаримов. Истиқлол ва маънавият: Т., «Ўзбекистон», 1994, 8-бет.

маънавий камолоти, қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун жамият ўзининг барча жабҳаларида инсонийлашмоғи лозим.

Тарих сабоқларидан шу нарса аниқ ва равшанки, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларига ишониб, асосий эътиборни фақат уни кўпайтиришга қаратиб, халқнинг маданиятини, инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ривожланишини ўйламас экан, у албатта, инқирозга юз тутади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси эълон қилинган биринчи кунлардан оқ инсоннинг одоб-ахлоқи, билими, дунёқарashi, маънавияти ривожига катта аҳамият берилганлиги унинг келажаги буюк эканлигига яққол далилдир. Маънавий камолот, билим, одоб-ахлоқ, иймон-этиқод, фалсафий дунёқараш инсон учун ҳам, жамият учун ҳам бебаҳо бойликдир.

Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турганидек, маънавият инсоннинг ички руҳий дунёсининг маъно ва моҳиятини ифодалайди.

Маънавият — бу ҳавога ўхшаб кўзга кўринмайдиган, қўл билан ушлаб бўлмайдиган нарса эмас, балки у аниқ шаклларда ташқарида намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Буни биз қуйидагилардан яққол кўришимиз мумкин.

Биринчидан, инсоннинг ички руҳий дунёси унинг дунёқарashiда намоён бўлади. Дунёқараш — бу кишиларнинг олам ҳақидаги, жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар мажмуидир. Инсоннинг дунёқарashiга қараб унинг ички руҳий дунёсини билиб олиш қийин эмас.

Иккинчидан, кишиларнинг ички руҳий дунёси, ҳар бир инсоннинг кундалик хатти-ҳаракати, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, муомаласи, оила аъзолари, бошқаларга, давлат ва унинг сиёсатига муносабатларида намоён бўлади.

Учинчидан, одамларнинг ички руҳий дунёси уларнинг ақлий ва жисмоний фаолиятининг натижаларида, жамият тараққиётига ўзининг ҳалол меҳнати билан қўшган ҳиссасида намоён бўлади.

Тўртинчидан, инсоннинг ички маънавий дунёси уларнинг психологиясида, ҳиссиётлари, кечинмаларида, завқланиш, истироб чекиш каби бошқа психик ҳолатларда намоён бўлади.

Бешинчидан, инсоннинг ички маънавий дунёси уларнинг ўз-ўзини англашда ҳам намоён бўлади. Ўз-ўзини англаш кишиларгагина хос хусусият бўлиб, у ўзининг ички ҳолати, аҳволини билиш, ўз-ўзини тушуниб етиш ва назорат қилишда, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришда намоён бўлади.

Шундай қилиб, инсоннинг ички маънавий, руҳий дунёси бирқатор кўзга кўринадиган, жамият томонидан баҳоланадиган кўпгина хислатларида ўз аксини топади, ташқарида намоён бўлади. Агарда кишиларнинг ички маънавий дунёсини билиб бўлмайдиган бўлса, унда маънавий етук баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси жамиятимизда долзарб муаммо бўлиб турмас эди.

Инсоннинг ички руҳий, маънавий дунёсининг намоён бўлиш шакллари билиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Кишиларнинг ички дунёсини билмай туриб, уларга таъсир кўрсатиш амри маҳолдир. Аксинча, уларнинг ички маънавий дунёсини билиб олиш кишиларнинг дунёқараши, одоб-ахлоқи, юриш-туришига, меҳнат қилишига, психологик ҳолатларни эътиборга олган ҳолда тани соғлиғига ижобий таъсир кўрсатиб, элга, Ватанга садоқатли, фидойий инсонларни тарбиялаш имкониятини туғдиради.

## **ИЖТИМОЙ ОНГ — МАЪНАВИЙ БОРЛИҚНИНГ ИФОДАСИ**

Маънавий борлиқ, маънавий ҳаётнинг мазмун ва моҳияти ижтимоий онг шаклларида намоён бўлади.

Ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, жамиятнинг умумий маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис, туйғу, ғоя ва қарашларнинг мажмуидр. У жамиятдаги сиёсий ва ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар, кечинмалар шаклида намоён бўлади.

Воқеликни акс эттириш даражасига қараб ижтимоий онг кундалик ҳаёт онги ва назарий онгга бўлинади. Кундалик ҳаёт онги кишиларнинг кундалик тажрибаси асосида стихияли тарзда вужудга келган хулосалар, қарашлар йиғиндисидир. Назарий онг мутафаккирлар, назариётчилар, олимлар томонидан ишлаб чиқилган назарий билимлар тизимини ташкил этади.

Ижтимоий онг шакллари хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Ижтимоий онг шаклларида бири сиёсий онг бўлиб, у воқеликни, ижтимоий борлиқни ўзига хос усулда акс эттириши билан тавсифланади.

• Сиёсий онг — турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотларга, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлатлар ва миллатлар билан муносабатлар ва шу кабиларга қарашларининг тизимлаштирилган назарий ифодасидир.

Сиёсат давлат фаолиятида ифодаланади ва бу фаолиятнинг бош йўналишини ташкил қилади. Сиёсат ҳокимият учун курашда, муайян сиёсий тартибни ва унинг иқтисодий негизларини ҳимоя қилиш, асослаб бериш ва мустаҳкамлашда жуда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун сиёсий етук, маърифатли, ўзининг ўтмиши, унинг қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифадир.

«Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида, — дейди И. А. Қаримов, — авваламбор, аҳолининг сиёсий фаолигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур»<sup>1</sup>. Бунинг учун аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтириш керак.

Жамиятни демократиялаштириш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. И. А. Қаримов таъкидлаганидек, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши керак.

Ҳуқуқий онг ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари сингари кишилар ижтимоий борлигини ўзига хос кўринишларида акс эттиради. Ҳуқуқий онг давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий нормалар ва муносабатларга, қонунларга, суд, прокуратура масалалари ва ҳоказоларга бўлган қарашларнинг тизимлаштирилган назарий ифодасидир. Ҳуқуқ инсон ҳаётининг айрим томонлари-

<sup>1</sup> И. А. Қаримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 16-бет.

ни эмас, балки унинг жамиятдаги бутун ҳаётини ўз ичига олади. Ҳуқуқ нормаси давлат томонидан белги-ланган ва одамлар зиммасига юкланган ўзини тутиш ва хулқ-атвор қоидаларидан иборатдир.

Давлатдан ташқари ҳуқуқнинг бўлиши мумкин эмас. Давлат органлари ҳуқуқий меъёр ва қоидаларни белгилайди, бекор қилади, ўзгартиради, мажбур қилиш чораларини қўллаш йўли билан уларнинг бажарилишини таъминлайди. Мажбурловчи давлат аппаратисиз ҳуқуқ ҳеч нарса эмасдир. Бинобарин, давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ давлатсиз яшай олмайди. Давлат ҳуқуқий меъёрларни икки усул билан, ўзига зарур бўлган турмуш қоидаларини белгилаш ёки уларни тасдиқлаш йўли билан яратади.

Ҳозир биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўй-суниши лозим бўлган ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Шундай экан, жамиятимизда қонун бошқарувининг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур. Бунинг учун халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришимиз даркор. «Ҳуқуқий маданият даражаси, — дейди И. А. Каримов, — фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир»<sup>1</sup>.

Ахлоқ ҳам ижтимоий онг шаклларида бири сифатида кишиларнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, яшаш меъёрлари, тамойиллари, қоидалари, шунингдек, уларнинг ўзаро бир-бирларига ҳамда ижтимоий бирлашмаларга бўлган муносабатларини ифода-лайди. У ижтимоий онг шаклларида, жумладан, ҳуқуқдан фарқ қилади. Ҳуқуқнинг ахлоқдан асосий фарқи шундаки, ҳуқуқ меъёрларининг бажарилишини давлат таъминлайди, ахлоқ қоидаларга риоя қилишни таъминлаш эса жамоатчилик фикри билан амалга оширилади ва одатда ишонтириш кучига таянади.

Ахлоқ жамият тараққиётининг илк босқичида пайдо бўлган. Унинг пайдо бўлишида кишиларнинг меҳнат фоллиятлари, иқтисодий муносабатлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Инсон ҳаётидан, уларнинг моддий ҳаёт шаро-

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 29-бет.

итларидан ажралиб юзага келган ахлоқ бўлмайди. Ахлоқ жамиятда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини тартибга солувчи эҳтиёжлар мавжуд бўлганлиги учун келиб чиқади.

Халқ оммаси моддий ва маънавий бойликларнигина эмас, шу билан бирга инсоният ахлоқий қадриятларининг ҳам ижодкори, авайлаб асровчиси ва ривожлантирувчиси дир. Жамият тараққиёти йўлида хизмат қилиб келаётган умуминсоний маданият, одоб-ахлоқ меҳнаткаш инсоннинг амалий фаолияти жараёнида ривожланиб борган. Халқ оммаси томонидан бир неча йиллар давомида яратилган, мақоллар ва маталлар, ривоятлар ва фалсафий асарларда ҳалоллик ва поклик мадҳ этилган, бировларнинг ҳақиқа хийнат қилиш, меҳнат қилмасдан кун кўриш, ўғрилик, порахўрлик, таъмагирлик қаттиқ қораланган, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, беморларга ёрдам бериш, бошқа миллатлар ва халқларга мансуб бўлган кишиларнинг тили, тарихи, маданияти, илғор удум ва анъаналарига ҳурмат билан қараш, табиат ва унинг бойликларини эъзозлаш уқтирилган, дўстлик, аҳиллик, ўзаро ҳамкорликда ҳаёт кечириш, тинчлик учун курашиш, урушларга, бесабаб қон тўкишлар ва хунрезликларга йўл қўймасликка даъват этилган. Шунинг учун ҳам умуминсоний маданият, ахлоқ ва ахлоқий қадриятлар ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, улар инсониятнинг энг катта маънавий хазинасидир. Умуминсоний ахлоқий қадриятлардан фойдаланмасдан туриб, инсоний муносабатларни мустаҳкамлаб, илм-фан ва маданиятни ривожлантириб бўлмайди.

Ахлоқ ва ахлоқий муносабатлар қотиб қолган эмас, улар доимо ўзгариб туради. Кишиларнинг ҳаёт шартилари, даставвал моддий ҳаёт шариоитлари, улар яшаб турган ижтимоий тузум ўзгариши билан ахлоқ ва ахлоқий тушунчалар ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради.

Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом таълимоти ва Шарқ фалсафасида ўз аксини топган умуминосний аҳамиятга молик одоб-ахлоқ қоидалари мустақиллик шарофати билан янада тикланиб, халқимизнинг маданий-маънавий покланиши ва юксалишига хизмат қилиб келмоқда.

Ижтимоий онг шаклларида яна бири — эстетик онг воқеликни бадий образларда акс эттиради. Санъат — дунёни бадий ўзлаштиришнинг муҳим усулларида

ҳисобланиб, моддий дунёни билиш ва бадий ўзлаштиришда кишиларга кўмаклашади ҳамда бадий тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг меъморчилик, декоратив, амалий санъат, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, графика, мусиқа, хореография, театр, цирк, телекўрсатув, кино, бадий адабиёт сингари турлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирига ўхшаш ва боғлиқдир.

Санъатнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида фикр юритилганда шуни назарда тутиш керакки, инсон бадий фаолияти пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёнининг манбаи — меҳнат, иқтисодий муносабатдир. Санъат кишиларга табиат кучларига қарши курашда ёрдам берган, меҳнат қилишга, моддий ва маънавий бойликлар яратишга ундаган. Меҳнат туфайли инсон воқеликни эстетик идрок қилиш имкониятига эга бўлди, табиий ва ижтимоий гўзалликдан завқландиган, гўзаллик қонунларига мувофиқ ҳаёт кечирадиган, байтлар ва мусиқалардан ҳузур қиладиган бўлди. Санъат асарларининг, айниқса миллий қўшиқ ва мусиқанинг инсоннинг руҳий-ахлоқий камолотига кўрсатган таъсири шу қадар кучлики, буни сўз билан ифодалаш амри маҳол. Шарқнинг буюк файласуфи Абу Наср Форобий ўзининг «Илмларнинг келиб чиқиши» деган машҳур асарида мусиқа илмининг куч-қудрати ва хосияти ҳақида бундай деган эди: «Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, мукамаллик етмаган хулқни мукамал қилади ва мувозанатда бўлган одамлар хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди»<sup>1</sup>.

Санъатнинг манбаи — воқелиқдир. Санъат объектив воқеликни акс эттириш шаклидир. Воқеликнинг санъатда акс этиши мураккаб, зиддиятли жараён; бадий инъикос суст эмас, балки фаол жараёндир, санъат воқеликни билиш ва ўзлаштириш воситасидир; амалиёт бадий тасвирнинг ҳақиқий эмаслигини билиш мезонидир.

Санъат жамиятнинг моддий ҳаёт имкониятлари асосида ривожланади ва унга хизмат қилади. Унинг ўзига

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. 176-бет.

хос хусусиятларидан бири ворислик асосида ривожланишдир. Ҳар қандай янги давр санъати ўзидан олдинги давр санъатида бўлган ҳамма илғор нарсаларни қабул қилиб олади ва ривожлантиради.

Эстетик онг ижтимоий онгнинг сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа шакллари билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга улардан маълум жиҳатларига кўра фарқ ҳам қилади. Эстетик онг фандан шу билан фарқ қиладики, унда воқелик, ижтимоий борлиқ инсон миёсида хулосалар, тушунчалар воситаси билан эмас, балки бадний образлар воситасида акс этади. Бадний образ илмий ва фалсафий тушунчалардан аниқ ҳиссий далилда кўриниши, ҳаётнинг муҳим томонлари умумлашган тарзда акс этиши билан фарқ қилади. Санъат асарлари одамларга кучли таъсир этиб, уларда фикр, ҳис, туйғу, шодлик, ҳузурланиш, роҳатланиш, азобланиш, ғазабланиш каби ҳиссий кечинмаларни уйғотади.

Фан, санъат, маданият ва бошқа ижтимоий онг шакллари ривожланишига сиёсат ва мафкура кучли таъсир кўрсатади. Кейинги вақтларда илмий ва ижодий зиёлиларнинг муайян қисми фан, адабиёт ва санъат сиёсат ва мафкурага боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиши керак, деган фикрни ўртага ташламоқдалар. Ҳақиқат юзасидан шуни айтиш керакки, эски тоталитар тузум раҳбарларининг узоқни кўра олмайдиган сиёсати туфайли иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётимизда кўпгина муаммолар, қийинчиликлар вужудга келди. Бунинг оқибатида мафкурага нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди. Лекин бу сиёсат ва мафкурадан воз кечишимиз керак, деган маънони билдирмайди. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, сиёсат, мафкура, адабиёт ва санъат бир-бири билан узвий боғлиқдир, уларни қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятда мавжуд бўлган сиёсат ва мафкурадан четда туриш мумкин эмас.

Ижтимоий онг шакллари хусусида фикр юритганда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

Ижтимоий онг шакллари кишилар ижтимоий борлигини акс эттирибгина қолмасдан, нисбий мустақилликка ҳам эга.

Ижтимоий онг шакллари мустақиллиги ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини, уларнинг диалектик бирликда эканлигини, ўзаро бир-бирига

таъсирини, бири икикинчисини мазмунан бойитиши ва тўлдиришини инкор этмайди. Ижтимоий онг шакллари-дан ҳисобланган сиёсат ҳамда ҳуқуқий онгнинг ахлоқий ва фалсафий онгга, уларнинг эса ўз навбатида диний ва эстетик онгга таъсири, шу билан бирга акс таъсири бунга мисол бўла олади.

Ижтимоий онгнинг барча шаклларида умумилмий, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган чуқур мазмун, муҳим ғоя ва инсоний қадриятлар мавжуддир. Ижтимоий онг шаклларида қайси бирини олиб кўрмайлик, унда алоҳида бир халқ ва миллатнинг эмас, балки бутун инсониятнинг асрлар давомида қўлга киритган, авайлаб-асраб келган билим бойликлари, бой ҳаётий тажрибалари, амалий фаолиятлари яқунлари акс этганлигини ҳам кўрамиз. Ҳар қандай табиий ва ижтимоий фан, маданият ва техника ютуқлари умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ахлоқий меъёр ва қоидалар, жаҳондаги алоҳида бир халқ ва миллатнинг тор доирадаги кишилар гуруҳининг меҳнати самараси эмас, балки умуминсониятнинг амалий фаолияти яқунидан иборатдир.

## **МИЛЛИЙ УЗЛИҚНИ АНГЛАШ — ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ТИМСОЛИ**

Маълумки, ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъий назар, энг аввало, унинг миллий онги ва психологиясида ёрқин гавдаланади. Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир.

Ижтимоий онг юқорида айтилганидек, ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, унинг умумий маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи, ҳис-туйғу, ғоя ва қарашларнинг мажмуидир. У жамиятдаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, эстетик ва бошқа қарашлар, кечинмалар шаклида намоён бўлади.

Ижтимоий онг — бу объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгида акс этишидир. Шундай экан, ҳар бир халқ, элат ва миллат ўзининг ижтимоий ҳаётини акс эттирадиган этник онгга эгадир. Мазкур этник онгнинг таркибий қисмини уруғ, қабила, элат ва миллатларнинг онги ташкил этади.

Этник онгнинг дастлабки шакли бўлмиш уруф ва қабилалар онгининг хусусиятлари шундан иборатки, унда ибтидоий жамиятнинг ижтимоий борлиғи, унинг маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, психологияси ва дунёқараши ўз аксини топган.

Ҳар хил ижтимоий-иқтисодий тузумга ҳар хил онг ва тафаккур услуби мос келади. Масалан, ижтимоий мулкка асосланган ижтимоий жамоа тузумининг оддий ишлаб чиқариш услуби ривожланмаган ижтимоий онг жамоавий тасаввурлар асосида фикрлаш усулини вужудга келтиради. «Ибтидоий» одамлар тафаккури, — дейди Л. Леви-Брюль, — ўз асосига кўра «мистикдир», «илоҳийдир». Бунинг сабаби ибтидоий инсон гидрокининг зарур элементини ташкил этувчи моҳият эътибори билан мистик бўлган жамоавий тасаввурлардир»<sup>1</sup>.

Ибтидоий жамоа тафаккур қилиш усули бизнинг фикрларимиздан тубдан фарқ қилади. Чунки ибтидоий онг борлиқдаги жараёнларнинг объектив хусусиятлари, сабаблари билан ҳеч ҳам қизиқмайди. Аксинча, у асосий эътиборини барча жараёнларнинг моҳиятини ташкил этувчи мистик, илоҳий куч билан боғлаб фикрлашга тўплайди. Шунинг учун ҳам ибтидоий тафаккур қилиш мистик тасаввургина бўлиб қолмасдан, айни пайтда мантиққа зид бўлган жамоа тасаввурлари ҳамдир.

Мантиққа зид бўлган мистик ва жамоа тасаввурларида вақт ва фазо, зарурият ва тасодифият, моҳият ва ҳодиса каби тушунчалар илоҳий кучларга боғлаб идрок этилган ибтидоий жамоа кишилари табиат ва жамият ҳодисаларининг асосини «илоҳий куч» ташкил қилади, деб ҳисоблашиб, унинг борлигини ўз турмушининг барча соҳаларида ҳис қилишга ва тасаввур этишга интилиб келишган. Ибтидоий жамоадаги уруф ва қабилалар тафаккури мутлақо бошқача хусусиятга эга бўлиб, бизнинг тафаккуримиздан сифат жиҳатидан кескин фарқланади.

Хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг вужудга келиши, этник онгнинг янги шакллари бўлмиш элат ва миллий онглари вужудга келтиради. У ибтидоий тафаккурдан, уруф ва қабилалар онгидан сифат жиҳатидан бир қанча хусусиятлари билан фарқланади.

<sup>1</sup> Л. Леви-Брюль. Первобытное мышление. М., 1930, стр. 26.

Энг аввало, хусусий мулкнинг келиб чиқиши ва жамиятдаги манфаатлари турлича бўлган кишиларнинг гуруҳларга — қабила, миллатга бўлиниши атрофдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни идрок этиш, фикрлаб олиш ибтидоий жамиятдагидек мистик ва жамоа тасаввурлари орқали эмас, балки муайян мафкура шаклида гавдаланган тасаввурлар, ғоялар, қарашлар орқали амалга ошишига олиб келади. Модомики, ҳар бир ижтимоий-этник гуруҳлар ўз иқтисодий аҳволига, моддий ва маънавий маданиятига, урф-одат ва анъаналари, тарихига эга экан, унинг тафаккурлаш услуби, ижтимоий онги ҳам бир-биридан фарқланади.

Кейинги жамиятларда кенг тарқалган миллий этник онгнинг шаклланиши ва ривожланишида фалсафий ва илмий билимлардан фойдаланиш, шунингдек, мантиқ фанининг қонуниятларига риоя қилиш муҳим рол ўйнайди.

Этник онгнинг шаклланиши ва ривожланишига этносларнинг асрлар мобайнида ижтимоий ҳаётини фаолияти давомида вужудга келган руҳий хусусиятлари, миллий урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи ҳам катта таъсир кўрсатади.

Этник онг ижтимоий онгга нисбатан аниқ тушунча бўлиб, унда уруғ, қабила, элат, миллатларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, ижтимоий психологияси, дунёқараши акс этади.

Ижтимоий онг таркибида этник онг билан бир қаторда ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура катта ўрин тутаяди.

Ижтимоий руҳият — кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳаётининг бевосита меҳнат, мавжуд ишлаб чиқариш воситаси ва қуроллари, турмуш тарзи таъсирида вужудга келган маънавий қиёфаси, урф-одат, анъаналари, ҳиссиётлар, кайфиятлар, кечинмалар, одатлар, фикрлар, хаёллар кабиларнинг тартибга тушмаган, назарий жиҳатдан асосланмаган, тизимлашган тарздаги йиғиндисиدير. Унда кишиларнинг мақсадлари, манфаатлари, муаммолари акс этади.

Ижтимоий руҳият ижтимоий борлиқнинг инъикоси сифатида кишилар амалий фаолияти таъсири остида юзага келади ва ривожланади. Ижтимоий руҳият ҳам ижтимоий тузумда шаклланган маданиятни акс этти-

ради. Уни синчиклаб ўрганмасдан ва тушуниб олмасдан туриб у ёки бу жамиятда яшайдиган кишилар турмуш тарзини билиб бўлмайди.

Жамиятдаги бундай ижтимоий руҳиятни оддий онг деб аташ ҳам мумкин. Оддий онг воқелик ҳақида кенг илмий хулосалар чиқариш учун кифоя қилмайди. У онглиликнинг энг содда, илмий тизимга тушмаган шаклидир, маълум маънода олганда, у алоҳида онг тушунчасига бирмунча яқин туради. Бироқ оддий онг воқеликни акс эттиришнинг юқори шакли бўлган илмий, тизимлашмаган мафкуравий-сиёсий онгнинг ташкил топиши ва ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий психология кундалик турмуш шароитлари таъсири остида вужудга келади ва шаклланади, у ҳиссиёт (эмоция), кайфият, кечинмалар, қизиқишларда намоён бўлади. Миллий психология эса — ҳар бир миллат ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари, руҳий кечинмалари, руҳий темпераменти, феъл-атворлари каби муносабатларини ифодалайди.

Шаклланган миллий психологиянинг асосий таркибий қисмини миллий характер ташкил қилади. Ўзбек миллий характер хусусиятларига меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, эрксеварлик, сабртоқат, бошқа халқларга ва шу миллат вакилларига нисбатан муносабатлар киради. Ҳар бир тарихий давр, шу даврдаги ижтимоий муносабатлар йиғиндиси миллий манфаатларга мос келадиган ўз миллий характер идеалини яратади.

Миллий характер ўзгармас, турғун нарса, эмас, у тарих маҳсули. Шундай экан, миллий характерни вужудга келтирган ижтимоий тузумнинг ўзгариши билан у ҳам маълум даражада ўзгаради, ҳатто бир маданий цивилизация ривожланиши жараёнида унинг ҳам айрим хислатлари ўзгариб, янги умумбаширий хислатларни вужудга келтриши мумкин.

Миллий туйғу кишиларнинг воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларга, миллий жараёнларга, шунингдек, миллатнинг қадимий тарихий ва маданий меросига бўлган муносабати шаклида намоён бўлиб, миллат маънавий қиёфасида катта аҳамиятга эгадир. Айниқса миллий туйғунинг таъсирчанлиги она тилига муносабатда ёрқин намоён бўлади. Зеро, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари тил орқали ўз ифодасини топади. Она тили ҳар бир халқнинг бутун тарихи мобайнида тўпла-

ган маънавий бойликларини ўзида жамлаб, келгуси авлодларга етказиб берувчи воситадир.

Миллий туйғу ҳам туғма унсур эмас. У тарихий тушунча бўлиб, шу халқ ва миллат вакилларига ички ва ташқи объектив омилларнинг донмий таъсир этиб туриши натижасида вужудга келади. Миллий туйғуларимизда миллий манфаат ва эҳтиёжлар, айниқса унинг ижобийлиги ва салбийлиги, ижтимоий воқеликнинг қанчалик миллат вакилига қониқарли ёки қониқарсизлик хислатлари ётади.

Ижтимоий мафкура муайян элат, халқ, миллат ва ижтимоий гуруҳларнинг ахлоқий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик ва бошқа қарашлари йиғиндисидир. У ижтимоий руҳиятдан маълум даражада фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, мафкура ижтимоий руҳият сингари стихияли равишда юзага келмайди, балки инсон онгли фаолиятининг маҳсули сифатида тарихий амалиёт жараёнида вужудга келади. Мафкура воқеликни ижтимоий руҳиятга нисбатан анча кенг ва чуқур акс эттиради, уни жамиятнинг энг етук зиёлилари, олимлари, сиёсатшунослари ишлаб чиқади.

Мафкура, ҳар қанча жозибали бўлмасин, омманинг ижтимоий-сиёсий тажрибаси билан қўшилиб кетмаса, ўз-ўзидан яхлит ва фаол дунёқарашни шакллантира олмайди. Ҳаётдан ажралиб қолган мавҳум ғоялар ҳеч нарсани амалга ошира олмайдилар. Бунинг учун амалий фаолият кўрсатадиган одамлар керак бўлади. Ғояларнинг амалга ошиши, моддий кучга айланиши учун, биринчидан, улар оммага сингдирилган, иккинчидан, у кишиларнинг амалий фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлиши керак.

Кишилик жамиятида ҳар бир давлат, ижтимоий гуруҳ ва ундаги сиёсий ташкилотлар, партиялар ўзининг мафкурасига эга.

Муайян жамиятдаги ҳар бир миллатнинг онги, маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг табиий, ижтимоий, тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шакларида ўз ифодасини топади. Ижтимоий онгнинг анъанавий шакллари ҳар бир миллат кишиларининг руҳий, маънавий қиёфаси аста-секинлик билан ўзгариб боришига олиб келади. Мана шу ўзгариш жараёнлари тарихий тараққиёт босқичида ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин. Бундай тарзда ижтимоий онг шаклла-

рининг ўзгаришлари, ўз навбатида, кўп миллатли давлатлар негизида турган халқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг авало, миллий уйғониш замирида бошланиши табиийдир. Ҳозирги уйғониш давр тақозосига кўра миллий ўзликни англаш тараққиётнинг объектив ижтимоий воқелигига айланмоқда. Миллийликни тан олиш — миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-этник барқарорлигини тан олиш демакдир. Миллийликда инсоний ва умуминсоний қадриятлар муайян қиёфа ва шакл касб этган бўлади. Миллийликда миллий мансублик руҳи мавжуд. Миллий руҳимиздаги миллий туйғуларимиз мажмуи миллий тасаввурларимиз, кайфиятларимизда ифодаланеди.

Миллий онглилик моҳиятини тўғри тушунмаслик баъзи ҳолларда миллатчилик иллатларига мубтало этмоқда. Миллатчилик ғайринисоний иллат бўлиб, авало, ўзга миллатларга, қолаверса, ўз миллатига ҳам худбинларча муносабатдир. Бу ўз миллати манфаатларини худбинлик заминиде мутлақлаштириш йўлида бошқа миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларни камситиб, тазийқ этиб, ижтимоий адолатсизликлар туғдирадиган иллатдир.

Демак, миллий ғурурни миллатчилик билан чалкаштириб бўлмайди. Миллий ғурур ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларни ҳимоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий интилишдир. Миллатчилик эса биттагина миллатнинг муддаосини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир. «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки, у ота-онлардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланеди»<sup>1</sup>.

Маълумки миллий туйғу табиий туйғулардандир. Айни пайтда миллий маънавий ҳаётнинг жуда ҳам назик элементи дир. Миллий туйғулар миллий ифтихор, миллий характернинг, миллий психологиянинг ажралмас қисмидир.

Миллий ҳис-туйғу, миллий ифтихор халқпарварлик

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 77-бет.

билан боғлиқдир. У ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий психологияси ва характерини руҳий тушуниш, эмоционал шаклда идрок этишдир. Бироқ хис-туйғулар миллатларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди, шунинг учун ҳам миллий туйғу миллий онгдан фарқланади.

Миллий туйғулар ва кайфият миллатнинг жипслашуви ва иродаси намоён бўлишида катта рол ўйнайди. Миллатнинг бирикишида, уларнинг миллий қизиқишлари умумийлиги, тарихий ҳодисалар, ўтмиш маданиятига муҳаббат, миллий ифтихор туйғулари сифатида намоён бўлади.

Ўз халқининг кўп асрлик бой тарихи, ажойиб маънавий мероси билан ҳақли равишда фахрланиш туйғуси, ўтмишни қўмсаш эмас, балки қадимий тарихни, халқ яратган моддий ва маънавий бойликларни кенгроқ ўрганиш ва очиб бериш, уларни янги авлодлар томонидан аждодлар мероси сифатида ўзлаштирилишини таъминлашдан иборатдир.

Миллий туйғуларнинг қанчалик қарама-қарши бўлиб қолишига қараб, миллий қадр-қийматга бўлган эътиборсизлик шунчалик хавfli тус олиб боради.

Бундан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, миллий хис-туйғуларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб миллий мафкура асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, миллий қадр-қиммат миллатлараро муносабатларнинг энг муҳим томонларидан биридир. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар миллатнинг қадр-қимматини камситиш ҳеч мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлаган эдилар. Ўзини кўрсатиб турадиган миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик бошқа миллат хис-туйғуларининг камсатилишига олиб келиши мумкин. Бир миллатни бошқа миллатга мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш, тил ва урф-одатларини ҳаддан ташқари тарғиб этиш, албатта, иккинчи миллатнинг туйғуларига муайян даражада оғир ботади. Бу миллий туйғуларнинг миллатчилик туйғуларига айланиб кетишига олиб келиши мумкин. Шовинистик қарашларнинг асоси ҳам мана шу миллий туйғуларнинг камсатилишидан юзага келади. Шовинистик кайфиятнинг шаклланиши асосан тубанлик, ўз миллати манфаатларини адолатсиз равишда ортиқча юқори ўринга қўйишдан, бошқа миллатлар ва республикаларнинг манфаат-

лариин ҳисобга олмаслик, ўз миллатини кўкларга кўтариш ва бошқаларда намоён бўлади. Миллий психологиядаги шовинистик ҳислатлар оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан заҳарлашга, уларнинг беҳуда безовта бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Миллий ифтихор ҳам миллий ўз-ўзини англашнинг кўринишидир. Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиши билан миллий ифтихор, миллий ҳис-туйғулар намоён бўлади.

Миллий ўзликни англашни тиклаш мустақиллик билан узвий алоқадорликда бўлган жараёндир. Миллий ўзликни англашнинг тикланиши эса, ўз навбатида, мустақил жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий заминларининг мустақамланишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам миллий ўзликни тиклаш масаласи Ўзбекистон ўз мустақиллига эришгандан кейин мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»<sup>1</sup>, — дейди И. А. Каримов.

Тарих сабоқлари миллий ўзлигини, миллий манфаатларини, тараққиёти истиқболларини чуқур, холисона, одилона англаган халқ ва миллатгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўлиши мумкинлигини ҳар доим исботлаб келган.

Миллий ўзликни англашни тиклаш ва миллий ўз-ўзини англаш ўзаро мантиқий алоқадорликдадир.

Миллий ўзликни англашни тиклаш миллий уйғонишнинг, жамият тараққиётининг муҳим шартини, жамият ҳаётида рўй берадиган маданий-маънавий ўзгаришларнинг асосларидан биридир.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлиқ шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 137-бет.

Миллий ўзликни англаш мазмун-моҳиятига кўра кенг ва чуқур маъноли, кўп қирралидир. Унинг моҳияти миллатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий мақсад ва манфаатларини, ўтмиш тарихи, тарихий мероси, миллий тили, урф-одатлари, қадриятлари, одобахлоқини билиш билангина боғлиқ бўлмай, муайян тарихий шароитлар билан ҳам белгиланади.

Миллий ўз-ўзини англаш — бу, энг аввало, миллий манфаатлар нималардан иборатлигини тушуниб етиш, чуқур идрок этишдир. Миллий манфаатлар — миллат тарихини тўғри тушуниш, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳозир ва келажакда ҳимоя қилиш йўллари билиш ва ана шу мақсадлар асосида бирлашишдир.

Миллий манфаатларни англаш миллатнинг ўз-ўзини англашига, миллатнинг бирлашишига олиб келади.

Ўз-ўзини англаш — бу халқнинг, миллатнинг ўз тарихий ўтмишини, насл-насаби, бобо ва бобокалонларининг кимлигини билиб, чуқур англаб олишдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий... Тарихий илдини излаган одам, албатта, бир кун, мана шундай саволларга дуч келади ва аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсон»<sup>1</sup>.

Авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини билиш — миллий ўзликни англашнинг муҳим омилидир. Ҳар бир одамзод миллатидан қатъи назар, энг аввало, насл-насаби билан фахрлиниши, ота-боболарининг муборак номларига доғ тушурмасликка, ўз меҳнати, билимлари билан буюк аждодларининг обрўсини кўтаришга ҳаракат қилмоғи лозим.

Миллий ўзликни англаш ўзбек халқи жаҳондаги энг қадимий халқлардан бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилликлардан иборатлигини билиб олиш демакдир. Ўзбеклар тарихда куни кеча пайдо бўлган халқ эмас.

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998.

Ўзини ўзбек ва ўзбекистонликман, деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон ва фуқаро қадимги Турон — Туркистон азал-азалдан жаҳоншумул илмий кашфиётлар, бетакрор меъморлик, санъат ва маданият намуналари, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, тижорат, ишбилармонлик анъаналари юзага келган ва тараққий этган маскан эканлигидан беҳад қувонади. Оллоҳнинг назари тушган ана шу табаррук заминдан не-не алло-малар, олимۇ фузалолар, буюклар, ичра буюк ҳисобланмиш уламолар, номлари курраи замин узра маълуму машҳур бўлган соҳибқиронлар, сиёсатчилар, до-нишманд шоҳу султонлар саф-саф бўлиб етишиб чиққан.

«Миллий ўз-ўзини англаш, зикр этиб ўтилганлардан ташқари яна жамияти ва Ватанининг порлоқ истиқбол-ини таъминлаш учун ўзида куч ва имкониятлар мавжуд эканлигини, унинг ўзи қандай вазифаларни амалга ошириши, нима иш қилиши лозим ва зарурлигини онгли равишда тушуниб етишидан ҳам иборатдир. Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва усти бой-ликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маънавияти ва маданияти билан кучлидир»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, халқ ва миллатнинг куч-қудрати, обрў-эътибори ва салоҳияти унинг сони билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуқлиги, миллий онги ўсганлиги, ўз-ўзини англаб етганлиги, миллий ҳамжиҳатлиги билан белгиланади. Буни Европа ва Осиёнинг қатор илғор мамлакатлари ва халқлари мисолида кўриш мумкин.

Ўзининг бир неча минг йиллик тарихини, урф-одат-лари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, мадания-ти, маънавияти, қадриятларини яхши билган, улардан руҳий куч-қувват оладиган, ўтмиш тарихи, насл-насаби билан мағрурланиб, қаддини тик тутиб, бошини баланд кўтариб юрадиган, фикри чақмоқдай ўткир, ақли етук, тафаккури кучли халқ ва миллатни босиб олиб қул қилиш, асоратга солиш мумкин эмаслигини мустамла-качи мамлакатлар жуда яхши билишган.

Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, неча-неча бор таъкидланганидек, барча босқинчилар бирор мамлакатни босиб олиб ҳукмронлик қилиш, халқни мустамлакачилик исканжасида ушлаб туриш, бойлик-

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ», 1999, 10-бет.

ларини истаганча талаш учун унинг маданияти, маънавиятига тажовуз қилганлар, миллий онги ўсишига, миллий ўзлигини англашига йўл бермаслик учун уларни мутеликда ушлаб туришга ҳаракат қилганлар.

Маданиятни, маънавиятни барбод этиш, миллий тил, миллий онг ривожланишига йўл бермаслик, омманни сиёсий қарамлик, манқуртлик ҳолатида ушлаб маълум халқларни жиловда тутишнинг энг нозик йўллари билан бири эканлигини зўравонлик йўли билан босиб олган чор амалдорлари жуда яхши билардилар. Шунинг учун ҳам улар бу масалага жиддий эътибор беришган.

Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор мустамлакачилари ҳам бу соҳадаги амалий ишни Туркистон халқининг асрий тарихи, маданияти, урф-одатларидан жудо қилишдан, ерли аҳолини руҳан-маънан майиб қилишга киришишдан бошладилар. Бу бежиз эмас эди, албатта. Балки чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машъум сиёсат эди. Ана шу сиёсатнинг заминида бир томондан, мустамлакачи чор ҳукматининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ошқора ҳимоя қилиш турган бўлса, иккинчи томондан, Туркистон халқларини, унинг катта бир қисмини ташкил этган ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан буткул маҳрум қилиб, ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истиқболни кўролмайдиган одамлар гуруҳига айлантириш муддаоси ҳам турарди.

Шўро давлати миллий чекка ўлка халқларини эзиш, бойликларини талаш борасида чоризмнинг — мустамлакачилик сиёсатини ошқора равишда давом эттирди. У тарих саҳнасида чоризм меросхўри сифатида пайдо бўлди. Унинг даврида ҳам миллийликни, миллий ўзликни англаб олишни йўқотишга қўпол равишда уриниш, одамларни қулсифат қилиб шакллантиришга интилиш зўр бериб давом эттирилди. У миллий бирлик ғоялари билан суғорилган миллий онг ривожланиши йўлида турли ғоялар ташкил этди, миллий бирдамлик, миллий туйғу ривожланиши ва юксалишига миллатчилик деб қаради. Собиқ шўро шароитида маҳаллий халқларнинг миллий ўзлигини англашини чегаралаб қуйиш учун барча чора ва тадбирлар кўрилди.

Президентимиз айтганларидек, «ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий

кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб, одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини қўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиясига айланиб қолган эди.

Миллий ўзликни ангалга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон Ҳайити каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар таъқиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Хожа Аҳрор Валий, Абдухолиқ Гиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдураўф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди»<sup>1</sup>. Эски мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бизга ана шундай мерос қолган эди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳақ-ҳуқуқларимизни, тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз ва қадриятларимизни билишга, миллий ўзлигимизни англаб олишимизга қарши қаратилган қатағончилик сиёсатига абадий чек қўйилди! Ана шу пайдан бошлаб миллий ўзликни англашни тиклаш давлатимиз сиёсатида асосий масала сифатида ўртага қўйилди.

Президент Ислам Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, деган ғоятда муҳим фикр мавжуд.

Дарҳақиқат, халқнинг ҳақиқий, том маънодаги тарихини яратмасдан туриб, мустамлакачилик азобуқубатлари туфайли тараққиётдан орқада қолиб кетган миллатларнинг миллий онгини, миллий тафаккури ва миллий ғурурини юксалтириш, миллий ўзлигини англашни тиклаш амри маҳолдир.

Тарих ўтмишда рўй берган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг оддий бир саҳифасигина эмас, балки ватанимизнинг ўтмиши, тарихий тараққиёти ҳақида кишиларга билим, сабоқ берадиган тарбия мактаби ҳамдир.

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. «Ўзбекистон», 1999, 5-бет.

Ўтмиш тарихини билмаган ва эъзозламаган халқнинг, миллатнинг келажаги порлоқ бўлмайди. Ўтмиш бизлар учун ҳам, бошқалар учун ҳам аллақачон қайтмас бўлиб кетган, кўз ўнгимиздан олислашган, тарих мулкига айланган даврлардангина иборат эмас, балки аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайдиган, доимий равишда руҳий-маънавий куч-қувват бериб турадиган таг заминимиз, ўқилдизимиздир. Ўтмиш — таянч нуқтаимиздир. Ана шу таянч нуқтага, маънавий пойдеворга суянмасак, ўтмишимиздан мадад ололмаймиз, олға томон ривожланолмаймиз ҳам. Ўтмишни билмасдан келажакни аниқ ва равшан тасаввур этиб бўлмайди.

Ўтмиши, аждодлари, бобокалонлари билан фахрланидиган, уларнинг муқаддас номларига ҳеч қачон доғ тушурмайдиган, тарих сабоқлари, ўғитлари, огоҳлантиришларига доимо ҳушёрлик билан қулоқ тутиб, унинг йўл-йўриқларига қатъий амал қиладиган халқни, буюк арбобларни тарих ҳам ҳар доим юксак даражада эъзозлайди ва қадрлайди.

Тарих ўтмиш аждодларимизнинг авлодларига, бўлғуси насл-насабларига қолдирган шундай бир муқаддас ҳикматлардирки, уларни қанчалик такрор-такрор ўргансак, мағзини чақсақ кундалик амалий фаолият ва келажагимиз учун ўта зарур бўлган йўл-йўриқларни шунчалик кўп топамиз.

«Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холиқ ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда, буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда»<sup>1</sup>.

Мустақиллик ва у бошлаб берган миллий тикланиш, янгиланиш туфайли инсон маънавияти, юксак одоб-ахлоқ ва маданиятининг қудратли қатламлари очилди, гўзал миллий анъаналари тикланади, халқнинг тарихий онги уйғонмоқда. Одамлар қалбида миллий ғурур,

<sup>1</sup> И. А. Қаримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 140-бет.

она заминга, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда.

Миллий ўзликни англаши тиклаш ва ривожлантиришнинг зарур шартларидан бири — она тилини билиш ва унга катта ҳурмат билан қарашдир. «Она тилининг аҳамияти шундаки, — дейди Ислом Каримов, — у маънавийат белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради».

Агар миллат ва халқ учун дунёда бирор бир муқаддас, абадий ва ҳаётий туйғу бўлса — бу унинг миллий онгидир, миллий ўзлигини англашдир. Миллий ўзликни англашнинг биринчи белгиси — миллий тилдир. Миллат мавжуд экан, тили ҳам сақланади ва ривожланади.

Миллатнинг яшаши, мавжудлиги унинг тили биландир. Тил миллатни миллат қилиб турган энг муҳим белигалардан биридир. Мабодо халқ бирон-бир сабабга кўра, ўзининг миллий тилидан жудо бўлса, у муқаррар равишда адоин тамом бўлади. Агар тил яшаса, ўша тил эгаси бўлган халқ ҳам яшайди. Тил халқнинг порлоқ истиқболидир. Тил инқирозга учраса, маънавийат ва маърифат сустлашади.

Тил халқнинг дилидир, унинг борлиги, ҳаётидир. Тил миллий ўзликни намоён қилишнинг чўққисидир. Тил — халқнинг қалби, маънавий ҳаётининг асосидир. Миллий тил гуркираб ривожланмаса, миллий ўзлигини англаб ололмайди. Миллатнинг буюклиги унинг миллий ўзлигини қанчалик англаб етганлигига, сиёсий етуклигига, миллий ҳамжиҳатлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Миллий ўзликни англашнинг тикланиши миллий бирликка, миллий аҳиллик ва миллий тотувликка эришиш ва уни мустаҳкамлашнинг асосларидан бўлиб ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаб етган халқ нафақат ўзини, балки ўзга халқлар ва миллатларни, уларнинг маданияти, маънавияти, тили, тарихи, урф-одатларини ҳам ҳурматлайди.

Миллий ўзликни англашнинг тикланиши, жадал суръатлар билан ривожланиши халқларни, мамлакатлар билан дўстона ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлигининг янада ривожланиши, мустаҳкамланиши учун кенг истиқбол йўлларини очади. Миллий маънавийат билан умумбашарий маънавийатнинг ўзаро уйғунликда ривожланиши миллий ўзликни англашнинг тикланиши ва такомиллик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Сиёсий маданияти етук, миллий онги ривожланган,  
ўз-ўзини миллий жиҳатдан англаб етган, қадриятларини  
тиклаган халқ мустақилликнинг буюк кучига айланди.  
Шундай халқ ва миллатнинг келажаги буюкдир.

## АДАБИЁТЛАР

- И. А. Каримов.** «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т., «Ўзбекистон», 1992, 65—78-бетлар.
- И. А. Каримов.** «Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон», 1997, 137—154-бетлар.
- И. А. Каримов.** «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда». Т., «Ўзбекистон», 1999, 17—18, 23—24-бетлар.
- И. А. Каримов.** «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз». Т., «Ўзбекистон», 2000, 24—25-бетлар.
- Ж. Туленов.** «Қадриятлар фалсафаси», Т., «Ўзбекистон», 1998.
- «Маънавиятимизнинг ҳаётбахш қудрати». Т. «Меҳнат», 1999.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
Маънавий борлиқ — жамият ҳаётининг муҳим жабҳаси . . . . .	4
Ижтимоий онг — маънавий борлиқнинг ифодаси .	15
Миллий ўзликни англаш — юксак маънавият тимсоли . . . . .	21
Адабиётлар . . . . .	36

Жондор Туленов

МАЪНАВИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЕТ

«Меҳнат» нашриёти — Тошкент — 2000

Бадний муҳаррир Ҳ. Қутлуқов  
Техник муҳаррир Ж. Бекиева  
Мусаҳҳиҳа Ф. Олимжонова

Теришга берилди 02.08.2000. Босишга рухсат этилди 18.09.2000.  
Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Шартли босма табағи 2,0. Нашр табағи 2,5.  
Нусхаси 1000. Буюртма № 3007. Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 33 — 2000

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-  
хонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.



